

Ушбу сонда:

2 САМАРҚАНД ЯГОНА,
«СИНО» БИТТАДИР

3 ИЖОДКОР БОЛАЛАР
ҲУЗУРИДА

«Ишонч» фойда
4 СОХТА ДИПЛОМ
ПАНД БЕРДИ

Республика касабаси уюшма
ташкilotларида

КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Кўп нарсани ҳал қилади

Тошкент вилоят касабаси уюшмалари ташкilotлари бир-лашмаси кенгаши ўз фаолларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кеча йирик ишлаб чиқариш корхоналари ётақчилари ҳамда тармоқ касабаси уюшма фаоллари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди. Иштирокчилар учраётган турли муаммолар ҳақида фикр алмашиб, жойлардаги илгор иш тажрибалари билан ҳам ўртоқлашдилар.

ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими ва тармоқ касабаси уюшма кенгаши ҳамкорликда ёзи соғломлаштириш мавсумини кўнгилли ўтказиш учун тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга асосан тумандаги 29-, 146-, 243-умумтаълим мактаблари қoшида болалар ёзи оромгоҳлари ташкил этилиб, уларда мавсум давомида 600 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

Тармоқда кўп йиллар самарали ишлаган 10 нафар мураббийга ҳам республикамизнинг энг сўлим сихаттоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

«Чирчиқшилоқмаш» корхонаси бошланғич касабаси уюшма ташкilotлари фахрийлари ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Корхонада узоқ йиллар фаолият кўрсатган фахрийларнинг 29 нафари қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент вилоят металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшма кенгаши томонидан тармоқда узоқ йил ишлаб, ҳозирда қариллик гаштини сураётган 40 нафар фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

ҲОМИЙЛАР ТУҲФАСИ

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкilotлари бир қатор хайрия ишларини амалга оширишмоқда. Жумладан, таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма вилоят Кенгаши Покент туманидаги 79-, Олмалик шаҳридаги 80-, Бўстонлик туманидаги 125-мактаб-интернатларига, Чирчиқ шаҳридаги 14-Мехрибонлик уйига ҳомийлик ёрдамини кўрсатишди. Бундай хайрия ишлардан ёқили-энергетика комплекси, химё саноати ва геология, агроносот мажмуи ходимлари касабаси уюшма вилоят Кенгашилари ҳам четда туришмапти.

Кўни кеча Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкilotлари бирлашмаси Кенгаши ҳам ўз оталигига олган Ангрעדари 73-маҳус мактаб-интернати тарбияланувчиларига 2 донна телевизор ва бошқа жиҳозлар совға қилди.

«ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРА»

Ҳорам вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда тармоқ касабаси уюшма вилоят кенгаши ҳамкорликда «Энг яхши ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилди. Беллашувнинг вилоят босқичида 9 нафар ҳамшира иштирок этиб, 5 та шарт бўйича ўзларининг касбий билими, истеъдодини намоён этишди. Биринчи ўрин вилоят тугуруқхонаси ҳамшираси Шоира Рўзметовага, иккинчи ва учинчи ўринлар янгибозорлик ҳамшира Зулфия Алломова ҳамда вилоят 1-сонли клиник шифохонаси ҳамшираси Юлдуз Ёқубоваларга насиб этди.

ОРОМГОҲГА
МАРҲАМАТ

Бу йил Жиззах вилоятида 17 та оромгоҳ ўқувчиларга хизмат қилади. Улар Бахмал, Жиззах, Зомин, Фориш, Галлаорол туманларидаги энг хушманзара, баҳава жойларда ташкил этилган бўлиб, ҳар бири бир йўла 100 нафар дам олувчини қабул қилишга мўлжалланган. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан 200 нафар ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам оромгоҳларда ҳомийлар маблағи ҳисобидан бепул дам оладилар.

Оромгоҳлар тайёрғарлиги масаласи вилоят ҳокимлиги ҳамда касабаси уюшма ташкilotлари бирлашмаси кенгаши раёсатида ҳар ҳафта муҳокама қилиниб, тегишли чоратадбирлар белгиламоқда, — дейди кенгаш раиси Нусратулло Пардаев. — Аниқланган камчиликлар тезда бартараф этилапти.

МИРИҚИБ ҲОРДИҚ
ЧИҚАРИШАДИ

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшма Марказий кенгаши тасарруфида айни вақтда 15 та болалар ёзи соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Қорақалпоғистон республикасининг Тахитов шаҳрида жойлашган «Айдин жол» оромгоҳидир.

Бу ерда келажагимиз бўлиши болаларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар мўҳайб. Ёзи мавсумида бу ерда спорт мусобақалари уюштирилади. Турли кўрик-танловлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Ўз мухбирларимиздан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер ҳўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-ҳўнар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. 2006/2007 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51604, шу жумладан, 19945 давлат грантлари ва 31659 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлансин; магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500, шу жумладан, 1500 давлат грантлари ва 5000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва

мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибиде ташкил этилган маҳус сиртки бўлимларга ўрта маҳус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш ўқув умумий қабул сони 5665, шу жумладан, 1265 давлат грантлари ва 4400 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим

йўналишлари бўйича 3-иловага мувофиқ тақсимлансин. 2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирилик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалаврият ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги тақдирларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдирлаш учун киритсинлар.

3. 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон миллий университети қoшидаги икки йиллик маҳус Журналистика бўйича олий курсларга тўлов-контракт асосида умумий 60 кишидан иборат қабул квотаси белгилансин. Бунда Журналистика бўйича олий курсларга бошқа йўналишлар бўйича бака-

лавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини намоён этган мутахассислар танлов асосида қабул қилиниши, ўқиш якунида уларга «Журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазириликнинг манфаатдор вазирилик бўлган бошқа тўзимлар иштирокидаги муҳим вазифаси - олий таълим муассасаларига кирувчиларнинг қизиқиши, реал ва истиқболдаги талабга мувофиқ бакалаврлар сони ва йўналишлари бўйича қабулни амалга оширишни назарда тутувчи олий таълим муассасаларига қабулни янада тақомиллаштиришга йўналтирилган

пўхта тизимли таҳлил ўтказиш ҳисоблансин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилик мазкур вазифани бажариш учун: бир ҳафта муддатда олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогларини, бакалаврият йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари бўлган тузилмалар ҳамда жамоат ташкilotлари вакиллариини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳини ташкил этсин;

ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таҳлил материалларини умумлаштирсин ҳамда 2006 йилнинг 1 ноябригача Вазирлар Маҳкамасига бакалаврлар тайёрлашнинг сони ва йўналишлари бўйича қабулни тақомиллаш-

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 2 июн

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Кулбоб ака Хамроев пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Нуратош» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган мўддат ҳам оқсоқол эди. У зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб яшайди.

Не-не нотинч оилалар унинг ва Яраштирув комиссиясининг аралашуви билан тинчиб кетди. Адашганлар йўлини топди, ишчиларга кўмаклашилди. Худудда тўй тўйга уланди. Мехроқибат барқарор бўлди. Ободлаштириш ишлари ҳам авж олди. Жумладан, Машарипов номидаги кўча йўлларининг анча қисмига асфальт ётқизилди. Унқир-чўнқир йўлақлар таъмирланди. Эски электр симлари тортилган устунлар янгиши билан алмаштирилди. Воёга етмаганлар қатъий назоратга олинди. Шунинг учун ҳам маҳалла худудида жиноятчилик содир этилгани йўқ.

Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида шулар эътироф этилди. Натижада Кулбоб Хамроев янгидан раис, маҳалла дошлари хўрмат-эътиборини қозонган кишилар эса маслаҳатчилар этиб сайланди.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ишонч» мухбири

Қадимий ва хамиша навқирон Бухорода демократия институти сифатида шаклланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини кўчатиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ҳозир вилоятда 528 та кишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини ишлаб турибди. Сайловни юқори савияда ўтказиш тадбирлари изчиллик билан давом этмоқда.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари демократиянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Давр ўзғариб вазифалар кўламини кенгайтирди. Ўзини ўзи бошқариш тўзимларига ҳуқуқий мақом берилиб, давлатнинг айрим ваколатлари улар зиммасига юклатилди, тажрибали, ташкilotчи, ўз ишини яхши биладиган кадрлар билан мустаҳкамланди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), масъул котиби, «Маҳалла посбони», диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи давлат бюджети ҳисобидан маош билан таъминланапти.

— Маҳаллани ватан ичра ватан деб бежиз айтишмайди, — дейди фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси, Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Б.Умаров. — Оқсоқолларимиз орасида катта ташкilotчилик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган, ўз маҳалласининг тинчлиги, оқсоқолларини сақлаш, кўни-қўнларини аҳил, ҳамжихат бўлиб яшашларини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган обрўли кишилар анчагина.

Бухоро туманидаги «Роботиқалмоқ» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мухитдин Солиев республика кўрик-танловида «Ибрарли маҳалла оқсоқоли», вилоят марказидаги «Жубор» маҳалла кўмитаси раиси Гўлсум Мўминова «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» йўналишида совринли ўринни кўлга киритишди. Айни пайтда бу фуқаролар йиғинлари

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

да сайловдан-сайловгача ўтган даврда олиб борилган ишлар чўқур таҳлил этилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти. Тўй ва маросимларни иччам ва тартибли ўтказиш, касаначиликни, кичик бизнесни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Кам таъминланган оилалар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланапти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар

килотчи ва ташаббускор бўлишяпти.

Пешку туманидаги «Жонгелди» ширкат ҳўжалиги вилоят марказидан 210 километр олинса жойлашган. 50 минг бош кўй-кўзини парваришлаётган яйлов баҳодирлари қорақўлчиликни оқсалтириш йўлида фидойий меҳнат қилмоқдалар. Йиғин раиси Амантай Мантеев доимо одамлар орасида, овулдошларининг турмуш тарзини яхшилаш тўғрисида ўйлайди.

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Гадоибоев вилоятнинг энг чекка худу-

кучайтирилган. Когон туманидаги Сиеё Поён қишлоғида 160 миллион сўм маблағ сарфланиб қурилган болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Янги иншоотда ёшлар волейбол, футбол, баскетбол, теннис, бокс, бадий гимнастика, миллий кураш билан шуғулланишяпти.

Маҳалланинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Фуқаролар йиғинларининг 172 таси ўз гузарлигига эга. Вилоят ва туман ҳокимликларининг қўллаб-қувватлаши туфайли кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари учун замонавий бинолар барпо этиляпти. Ўзини ўзи бошқариш тўзимларига 18 миллион сўмлик янги техника воситалари олиб берилди. Бухоро шаҳри ва Бухоро туманидаги маҳалла кўмиталари ҳомийлар ёрдамида компьютерлар билан тўлиқ таъминланди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Юсуф Қурбоновнинг таъкидлашича, шаҳар ва қишлоқларда умргузаронлик қилаётган 45 мингдан ортиқ фахрийлар ҳолидан хабар олинди, уларга зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Уруш қатнашчилари, ногирон ва ёлғиз кексаларга 22,7 миллион сўмлик моддий кўмак берилди. 5 мингта яқин кексалар сихаттоҳларда соғлигини тикладилар.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловни демократик жараёнларни янада чўқурлаштириш ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида катта аҳамият касб этади. Вилоятда сайловлар юқори савияда, ушқоқлик билан ўтиб, эл дардига дармон бўладиган, ҳамюртларининг қувонч ва ташвишлари билан яшайдиган, билимли, ташкilotчи ва ташаббускор кишилар раҳбарлик лавозимига сайланапти. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла кўмиталари ва кишлоқ фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кўчатириш лозим бўлади.

Кишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга эътибор

ЭЛ НАЗАРИДА БЎЛИШ САОДАТИ

талаблари асосида катта сиёсий тадбир очиб ва ошқора рўхта, демократик тамойиллар асосида ўтмоқда. Эл-юртда обрў-эътиборга эга, бошқаларга ўрнак бўла оладиган ташаббускор кишилар йиғин раислиги ва маслаҳатчилигига сайланапти.

Ўзини ўзи бошқариш идоралари аҳолига маданий-маърифий хизмат кўрсатиш, савдо, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, жисмоний тарбия ва спортни йўлга қўйиш, ахлоқий тарбия, миллий анъаналарни қадрлаш, урф-одатлар, тўй-маъракаларни, дафн маросимларини ўтказишда фуқароларга яқиндан ёрдам кўрсатишяпти. Аҳолини сифатли ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, худудларни ободонлаштириш, маҳалла гузарлари, болалар спорт иншоотлари, мактаблар, кишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа инфратузилма иншоотларини қуришда таш-

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Айни дамда касабаси уюшма тизимида тўб ишловлар жараёнини амалга ошириш борасида қизгин сай ҳаракат олиб борилмоқда. Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшма Марказий кенгаши туман ва шаҳар бўйича вакилларининг ЎзКУФК ўқув марказида бўлиб ўтган семинари ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

Тингловчилар беш кун давом этган ўқув жараёнида тармоқ касабаси уюшмаси вакиллари олинди турган устувор вазифалар — соҳа ходимлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари, шунингдек, жамиятни демократлаштириш, аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантиришда касабаси уюшмаларининг фаоллигини оширишга бағишланган маърузаларни тинглашди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари

Федерацияси ва тармоқ касабаси уюшма Марказий кенгаши мутахассислари, олий ўқув юртлари олимлари ушбу мавзуларда уларга тушунтириш беришди.

— Бугунги тезкор ва мураккаб давр касабаси уюшмалари зиммасига улкан вазифаларни юклатмоқда, — деди Марказий кенгаш раиси Чори Шодиев. — Бундай шароитда ҳар бир касабаси уюшма фаолидан ўз устида муттасил ишлаш, изланиш, ғайрат-шижоатли, ташаббускор бўлиш талаб қилинади. Мазкур ўқув ана шу мақсадга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Ҳар бир машғулот тингловчиларнинг савол-жавоб ва қизгин баҳс-мунозаралари остида ўтди. Тингловчилар айни пайтда ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлишди.

Наргиза НОРТОВА
Суратларда: ўқув жараёнидан лавҳалар
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Самарқанд

Ислохотлар даврида касаб уюшмаларининг ҳам янги шароитларда иш юритиш зарурати пайдо бўлди. Мулкчилик шаклининг ўзгариши, қўлаб хусусий корхоналарнинг вужудга келиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг шаклланиши фаолият мезонларини ўзгартириш-ни тақозо этди. Фаолиятнинг давр талаби даража-сида ташкил этиш осон бўлгани йўқ. Эркинликни мураккаб иқтисодий ҳолатдан ажратиб, хусусий корхона раҳбарларининг фаолиятсизлигига қарамай, меҳнаткашларга, бинобарин касаб уюш-маларига муносабат ижобий томонга ўзгарди. Каса-ба уюшмалари илгариги тақсимотчилик, моддий қўмақчилик вазифаларидан воз кечиб, меҳнаткаш-ларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан машғул бўлмоқда.

1049 киши, жумладан, 107 нафар ногиронлар, фахрий-лар, уруш қатнашчилари бе-пул дам олишди.
Утказилган спорт тадбир-ларида 21 мингдан зиёд

Расман эътироф этилган манбаларда Самар-қанднинг ёши 2500 йилдан ошган дейилади. Лекин айрим олимлар унинг Римга тенгдошлигини айтиша-ди. Ҳар ҳолда Самарқанд шаҳрининг ўзида бир неча ўнлаб тарихий меъморчилик обидалари қад ростлаб турибди. Мана шу дурдоналар жаҳон аҳлини ўзига ром этиб, Самарқандга чорламоқда.

обидалар тарихий қиёфаси-нинг тикланиши, шаҳарда хал-қаро талабларга мос янги меҳмонхоналарнинг қурили-ши сайёҳлар оқимини қўлай-тирди.
Шаҳарда замонавий меъ-

Шаҳарсозлик

учун эски шаҳар ҳудудида тарихан шаклланган кўчалар сақланиб қолган. Гарчи бир

иборат очик музей-қўриқ-хонани четлаб, Чўпонта мавзесидан ўтадиган Тош-кент — Бухоро трактига чиқиш имконини беради. ЮНЕСКО вакиллари билан берган юқори баҳоси Самарқандда амалга оши-рилган бу ишларнинг аҳамияти ноғоли эканли-гини билдиради.

Сухбатдошимизнинг фикрига қўшимча равиш-да яна бир ҳолатни ало-ҳида таъкидлаш керак. Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳарда бошланган таъмирлаш, қурилиш иш-лари Самарқанд меъмор-чилигининг тўрт тарихий бошқинини юзага чиқарди. Биринчиси — Афросиёб шаҳрида сақланиб қолган қадимий меъморчилик на-муналари. Иккинчиси, те-мурийлар даврида бунёд этилган, асрлар оша жа-ҳон аҳлини ҳайратга солиб турган, эндиликда музей-қўриқхонага айлантирил-ган обидалардир. Учинчи, XIX аср охири XX аср бошларида Европа услуби-да қурилган бинолар. Тўртинчиси, охириги 40-50 йилни ўз ичига олади. Аж-додларимиз заковати да-ражасини оламга намойиш этиш, туризмин ривожлан-тириш, замондошларда Ватан манзараларидан фахрлини туйғуларини

МЕХНАТКАШЛАР ИШОНЧИ — УЛУҒ МАЪБУЛИЯТ

Бутун республикамизда-ги сингари Самарқанд ви-лоятида ҳам иқтисодий ўсиш қуралимоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кен-гайиши, корхоналар даро-мадининг ошиши иқтисодий масалаларни ҳал қилиниши-га, ходимлар манфаатининг қондирилишига имкон ярат-моқда.

Ҳозир вилоят меҳнат-кашларидан 600 минг ки-шининг иқтисодий-иқтисо-дий манфаатлари 2005-2007 йилларга мўлжаллан-ган бош битим, 52 та тар-моқ битимлари, 1305 та жа-моа шартномалари орқали ҳимояланмоқда. Энг муҳи-ми, мазкур меъёрий ҳужжат-ларда белгиланган вазифа-лар ижроси қозоқда қўлиб кетмапти. Айни вақтда қўлланмаётган жамоа шарт-номаларида меҳнат муҳо-фазаси, имтиёзлар белги-лаш масалалари алоҳида ўрин тутди. Утган йили меҳ-нат муҳофазасига 1,1 мил-лиард сўм маблағ сарфлан-ганининг ўзи фикримизни тасдиқлайди.

Иқтисодий ҳимоя масала-сида хотин-қизларга ғамқўр-лик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Нафис» АЖ, «КИ-

НАП» ОАЖ каби корхоналар-даги касаб уюшма ташкилот-лари амалга ошираётган иш-лар таҳсинга лойиқ.

Иқтисодий ҳимоянинг энг самарали йўналиши кишилар-ни доимий иш жойи билан таъминлашдир. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳ-нат, бандлик, аҳолини иқтисо-дий ҳимоялаш бош бошқар-маси, прокуратура идоралари билан ҳамкорлик қилинапти. Ҳукуматимизнинг кичик биз-несни ривожлантириш соҳа-сидаги сибсати бу борадаги иш-ларни янги йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратиб бер-моқда. Масалан, ўтган йили вилоятда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик корхона-ларини ривожлантиришга 25,4 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Мазкур жаҳда тадбиркорлар томонидан 256 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига 22,1 миллиард сўмлик турли хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, 44,1 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, меҳнат-кашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлашти-риш, спортни омаллаштириш борасидаги тадбирлар ҳам из-чил олиб борилмоқда. Сана-торий-профилакторийларда

киши қатнашди. Мамлақати-миз раҳбари спортни ривож-лантиришга катта эътибор бераётгани туфайли бу со-ҳадаги ишлар кўлами кен-гайиб, шароит яхшиланиб бормоқда. Касаб уюшма-лари қарашли спорт мактаб-лари тарбияланувчилари ора-сида жаҳон ва Осиё чемпи-онлари борлиги бизни қувонтиради.


Президентимизнинг тақ-лифлари билан Самарқанд-нинг бош лойиҳаси қайта-дан ишлаб чиқилди ва 2003 йилда кенг қўламли ишлар бошланди. Дастлаб шаҳар-нинг юраги ҳисобланган Регистон майдонининг ат-рофи очилди. Бу маскан-нинг тарихий қиёфаси тик-ланди. Регистондан Биби-хоним масжидига олиб бо-радиган кўча шарқона ус-лубда қайта ташкирланди. Гўри Амир мақбараси, Би-бихоним масжиди, Шохиз-инда мажмуасида, уларга ёндош ҳудудларда жуда катта ободонлаштириш иш-лари амалга оширилди. Шу жа-раёнда Шохизинда маж-муи таркибига қирадиган, кейинчалик тупроқ остида

О.НАҒАСОВА,
Самарқанд вилоят касаб уюшмалари бирлашмаси Кенгаши раиси

Самарқанднинг бош лойиҳаси 1984 йилда иш-лаб чиқилган ва унда асо-сан турар-жой даҳалари, корхоналарни жойлашти-риш назарда тутилган эди. Уша давр мафқураси таъ-сиридаги лойиҳалаш гоёси Самарқанднинг шарқона хусусиятлари, халқнинг та-рихий меросини юзага чи-қариш зарурлигини эъти-борга олмаган эди. Шу ту-файли мустақиллик берган имкониятларни қадрлаши-миз керак.

Бутун олдимизда катта ва-зифалар, улуг мақсадлар ту-рибди. Булар Юртбошимиз-нинг Вазирлар Маҳжамасида 2005 йилда иқтисодий-иқтисо-дий ривожлантириш яқун-лари ва 2006 йилда иқтисо-дий ислохотларни чуқурлаш-тиришининг энг муҳим усти-вор йўналишларига бағиш-ланган маърузасида, Ўзбекистон касаб уюшма-лари Федерациясининг IV курултойида аниқ белгилан- берилди. Энг асосий вази-фамиз — мамлақатимиз иқтисодий раванқини, меҳ-наткашлар фаровонлигини таъминлашдир. Самарқанд-лик фаоллар ушбу масъу-لياتни чуқур ҳис қилиб иш олиб боришмоқда.

О.НАҒАСОВА,
Самарқанд вилоят касаб уюшмалари бирлашмаси Кенгаши раиси



МОЗИЙ ВА КЕЛАЖАК КЎПРИГИ

шаҳри. Президент тавсияси билан Гўри Амир мақбараси, Шохизинда мажмуи, Биби-хоним масжиди, Регистон май-дони, Ҳазрати Хизр мақба-

морчилик услубидаги қури-лишлар ҳам кўп. Даҳбед да-ҳасидаги спорт мажмуи, янги коллежлар, шифохоналар, транспорт шохбелатлари шу-лар жумласидандир. Универ-ситет хйбони, Охунбобоев кўчаси қайта таъмирланмоқ-да. Навоий кўчасининг қиёфаси асл ҳолига келти-рилди. Марказий истироҳат боғи қайтадан бунёд этилди, десак муболага бўлмайдди. Бу ҳудудда маъжуд бўлган но-конуний қурилган, боғ хусу-сиятига мос келмайдиган би-нолар бузиб ташланди. Эн-диликда боғ чинакам сайл-гоҳ, оромгоҳга айланди.

Шаҳар меъморчилиги-да унинг тарихий тараққиёт-даги мавқеи, географик ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан Самарқандда лойиҳалаш иш-ларига алоҳида эътибор би-лан ёндошиш зарур, — дей-ди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи, бош меъмор Шух-рат Давронов. — Олдинги даврларда шу жиҳатлар на-зарга олинмаган. Шунинг

қадар кенгайтирилган бўлса-да, транспорт ривожланиши-нинг хозирги талабларига жавоб беролмайди. Шу боис Университет хйбонининг

фарбий томонидаги О. Маҳ-мурдов номи кўча С. Айний кўчаси билан туташтирили-ши, «Тошкент» кўчасидан «Зарафшон» кўчасига тўғри йўл очилиши транспорт воситаларининг шаҳар мар-казини, тарихий обидалардан

шакллантириш нуқтаи на-заридан Самарқандда кенг қўламли реконструкция ишларини амалга ошириш гоёсининг аҳамияти беқи-ёсдир.
Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЗУЛФИЯЛАР КЎПАЙСИН

Зулфия номдаги Давлат муқофоти-га муносиб номзодни саралаш жараёнида уларнинг маҳорати, интилувчанлигини ку-затиб, беихтиёр кўнглимда фахр туйғуси уйғонди.

Вилоят комиссиясига 5 та йўналиш бўйича тақдим этилган 60 нафар номзод-нинг ҳар қайсиси ўзига хос нафосат ва изланувчанлигини намойиш этди. Шу боис улар орасидан энг сара номзодни аниқ-лаш анча қийин кечди. Ниҳоят бундай шараф бўлувурлик Шохизта Очилвога насиб этди.

Шохизта тумандаги 36-умумтаълим мактабида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, кикбоксинг йўналиши бўйича Рес-публика мусобақаларида қатнашиб, ну-фузли ўринларни қўлга киритган. 3 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медал-ларининг соҳибаси 2002 йилда

кикбоксинг бўйича «Спорт устаси номзоди» унвонига эришган эди.

— Ҳар йили ўтказилаётган «Зулфия», «Ўзбекистон кўшиқ байрами» сингари кўрик-танловларда энг олис ҳудудлардаги қизларимиз ҳам катта иштиёқ билан ишти-рок этишмоқда, — дейди биз билан суҳ-батда вилоят ҳокимининг ўринбосари, ви-лоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Га-вар Худойбердиева. — Айниқса, талаба-қиз-лар орасида ўз иқтидорини намойиш қилишга иштиёқ кучли. Ҳар бир олий ўқув юртининг қизлар ётоқхонаси қошида «Зул-фия» қизлар клуби ташкил этилган. Самар-қанд Давлат университети қошида фаолият юритаётган шундай клуб қисқа вақтда бир неча эсда қоларли тадбирлар ўтказди.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
журналист

Мамлақати-миз раҳбари спортни ривож-лантиришга катта эътибор бераётгани туфайли бу со-ҳадаги ишлар кўлами кен-гайиб, шароит яхшиланиб бормоқда. Касаб уюшма-лари қарашли спорт мактаб-лари тарбияланувчилари ора-сида жаҳон ва Осиё чемпи-онлари борлиги бизни қувонтиради.

О.НАҒАСОВА,
Самарқанд вилоят касаб уюшмалари бирлашмаси Кенгаши раиси



қилиб кетган ўрта аср ҳам-моми (тахоратхона) очилди. Бу иншоот юртимизда уша вақтларда ҳам меъморчи-лик, илм-фан нақадар юк-сақ ривожланганини кўрсатади.
Самарқанд — сайёҳлик

раси, Афросиёб тепалик-ларини ўз ичига оладиган очик музей-қўриқхонага асос со-линди. Бу ҳудуд Самарқанд-нинг эски шаҳар қисмидир. Обидалар эса теурийлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган. Жаҳонга машҳур

салиш даври бўлди. Бозор иқти-содийнинг рақобат муҳити иш-лаб чиқариш сифатини янада ях-шилашни, ҳамкорлик қўламини кенгайтиришни тақозо этарди. Шу мақсадда халқаро алоқалар ўрна-тилиб, шартномалар тузилди. Хомашё, анжомлар Хитой, Герма-

ния, Италия ва бошқа мамлакат-лардан келтириладиган бўлди. Янги маҳсулот турлари ишлаб чи-қарила бошланди. Уларни халқа-ро андозалар даражасига кўтариш мақсадида 2004 йилда корхона-лик мажмуи менежмент ва эколо-гик менежмент тизимлари жорий

қилинди.
«Сино» ОАЖ жамоасининг янги қурилаётган ҳамда қайта ташкил этилаётган коллежлар, мактаблар, академик лицейлар-ни совутгич ускуналар, замона-вий пештахта жавонлари, кон-диционерлар билан таъминлаш

2004 йилда Пахтачи ту-манида шифо масканлари фаолиятини янада яхши-лаш учун 32 миллион, 2005 йилда эса 38 милли-он сўмлик қўшимча маб-лағ ажратилган эди. Хомийлар ва шифокорлар йилда бу кўрсаткич бир неча баробарга оширилди. Шунингдек, туман мар-казий шифохонасининг юкумли касалликлар бўли-ми қурилишига хомийлар томонидан 73 миллион сўм ажратилди. Ҳозир бўлим қурилиши жадал суръатларда олиб борила-птир. Республикамиз муста-қиллигининг 15 йилли-ги байрами арафасида ушбу муассасанинг ишга туширилиши мўлжаллан-моқда.

ТАНИ СОҒЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

— Минг раҳмат, хомий-ларга, — дейди туман соғ-лиқни сақлаш бўлими му-дираси Ш.Бобоева. — Уларнинг қўмағи билан 200 миллион сўмлик таъмир-лаш ишлари бажарилмоқ-да. Зарур тиббий асбоб-ус-куналар сотиб олмақдамиз.

Хомийлар қўмағи билан тумандаги Кўрна ва Добу-ся қишлоқларида 20 мил-лион сўмлик қўйиматга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Султонобод-да фуқаролар хизматига топширилган туғруқхона бўлими ҳам маҳаллий аҳоли учун қўлайлик ярат-ди.

Яна бир гап. Яқинда Зи-вуддин шаҳарчасида ви-лоят соғлиқни сақлаш бош-қармасининг навбатдаги кўма ҳайъати йиғилиши бўлиб ўтди. Унда пахтачи-ликларнинг ибратли иш-лари маълумланди ва муқо-фот тарихида уларга 100 минг сўмлик тиббий ас-боб-ускуналари ҳамда 2 доня янги «Дамас» маши-наси тухфа этилди.

А.МАНСУРОВ,
журналист

Маълум даврда рўй берган иқтисодий бўҳронларни енгиб ўтиб, тезкор тараққиёт босқичига қийаётган корхоналардан бири Самарқанддаги «Сино» очик акционерлик жамиятидир. Бу корхонага асос солинганда 30 йилдан ошди. Дастлаб рўзгорбоп совутгичлар «Юлдаз» номи билан чиқарилган, кей-инчалик «Самарқанд» деб аталган эди. Аммо уша даврларда корхона имкониятларидан етарлича фойдаланилмади. Сал-қам йигирма йил мобайнида совутгичларнинг атиги 5 та мо-делини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, холос.

Мустақилликнинг дастлабки йиллидаёқ корхона акционерлик жамиятига айлантирилди. Уша йили корхонада 211 минг доня совутгич ишлаб чиқарилди. Бу эса корхона қувватидан деярли тўлиқ фойдаланилди деганидир. Кейинчалик Россия ва Белорус-сиядаги корхоналар билан иқти-содий-ҳужалик алоқаларининг узиллиши «Сино» ОАЖнинг иши-га салбий таъсир кўрсатди. Бун-дан ташқари мустақил Ўзбеки-стоннинг Монреал шартномаси-га аъзо бўлиши, унинг шартла-рини бажариш зарурати корхо-нада технологияни ўзгартириш-ни тақозо этар эди. Чунки со-вутгичларда қўлланиладиган фреон моддаси озон қатламга салбий таъсир қилади. Шундай қилиб, корхонани қайта жиҳоз-лаш, янги технологияларни жо-рий қилиш бошлаб юборилди. Бунинг учун эса вақт ва анчаги-на маблағ керак эди.

Республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли 2003 йилда Халқаро экология жамағмаси ва БМТ тараққиёт

дастури ёрдами билан корхонага грант тарикасида 1 миллион 330 минг долларлик ускуналар кел-тирилди. Янги технология асо-си совутгич ишлаб чиқарилди. Бу эса корхона қувватидан деярли тўлиқ фойдаланилди деганидир. Кейинчалик Россия ва Белорус-сиядаги корхоналар билан иқти-содий-ҳужалик алоқаларининг узиллиши «Сино» ОАЖнинг иши-га салбий таъсир кўрсатди. Бун-дан ташқари мустақил Ўзбеки-стоннинг Монреал шартномаси-га аъзо бўлиши, унинг шартла-рини бажариш зарурати корхо-нада технологияни ўзгартириш-ни тақозо этар эди. Чунки со-вутгичларда қўлланиладиган фреон моддаси озон қатламга салбий таъсир қилади. Шундай қилиб, корхонани қайта жиҳоз-лаш, янги технологияларни жо-рий қилиш бошлаб юборилди. Бунинг учун эса вақт ва анчаги-на маблағ керак эди.

Республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли 2003 йилда Халқаро экология жамағмаси ва БМТ тараққиёт

салиш даври бўлди. Бозор иқти-содийнинг рақобат муҳити иш-лаб чиқариш сифатини янада ях-шилашни, ҳамкорлик қўламини кенгайтиришни тақозо этарди. Шу мақсадда халқаро алоқалар ўрна-тилиб, шартномалар тузилди. Хомашё, анжомлар Хитой, Герма-

ния, Италия ва бошқа мамлакат-лардан келтириладиган бўлди. Янги маҳсулот турлари ишлаб чи-қарила бошланди. Уларни халқа-ро андозалар даражасига кўтариш мақсадида 2004 йилда корхона-лик мажмуи менежмент ва эколо-гик менежмент тизимлари жорий қилинди.
«Сино» ОАЖ жамоасининг янги қурилаётган ҳамда қайта ташкил этилаётган коллежлар, мактаблар, академик лицейлар-ни совутгич ускуналар, замона-вий пештахта жавонлари, кон-диционерлар билан таъминлаш

САМАРҚАНД ЯҒОНА, «СИНО» БИТТАДИР



димушларда чой билан таъ-минланади. Барча ходим-ларнинг коммунал тўловла-ри корхона ҳисобидан қо-лаб берилмоқда. Меҳнат муҳофазасига ҳар йили 3 — 3,5 миллион сўм сарфлан-моқда.

Ходимларнинг иқтисодий масалаларини ҳал этиш ҳам эътибордан четда қо-лмапти. Масалан, ўтган йили У. Рашидов, Т.Эрга-шев, Б.Саидов сингари хо-

димушларга уй-жой қуриш учун қурилиш материал-лари, маблағ ажратилди. Бу каби тадбирлар жамоа аъзоларини жипслашти-риб, меҳнат унумдорли-гини оширмоқда. Ахил-лик бор жойда эса бара-ка бисёр.
Малика ЭШМУРОВА,
Каттақўрғон шаҳар «Сувоқова» бошқармаси касаб уюшма ташкилоти раиси

НУРАФШОН

Т. Мелиев. — Аҳволни ях-шилаш учун ўзимизча хара-кат қила олмадик. Мустақил-лик шарофати билан бош-ланган ислохотлар деҳқон-ларга катта имкониятлар ши-рини очди. Буни бугунги ну-рафшон кўнларнинг дебона-си деса бўлади. Қишлоқда одамларнинг рўзғорига бара-ка иниб, турмуши фаровон-лашиб борапти.
«Биринчи қалдирғоч» фер-мер хўжалиги ҳар йили шарт-

номавий мажбуриятларни ошириб уйдалаб келаяптир. Дастлаб ернинг ҳолатини ях-шилаш, тупроқ унумдорли-гини ошириш учун анча заҳ-мат чекилди. Сув танқислиги дорамида пахта ҳосилдорли-гини 30 — 32 центнерга, гал-ла ҳосилдорлигини 45 — 50 центнерга етказишди. Утган йиллардаги даромад ҳисоби-дан дала ишларида зарур бўладиган барча техника во-

МУСТАҚИМЛИК ИШИГА ЎН БЕШИНЧИ ЙИЛИДА

Меҳнатқашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қасаба уюшмаларининг роли бекибсиз. Бу жиҳатдан Самарқанд вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши ҳуқуқий бўлими мудири Ҳамид Саимов катта тажрибага эга. У меҳнат фаолиятини қурилиш ташкилотиде бошлаган. Тошкент юридик институтини битириб, 21 йилдан буён қасаба уюшмалари тизимиде ишлаб келаяпти. Мутахассис билан суҳбатимиз меҳнат муносабатларининг қонуний асослари ҳақида бўлди.

БИЛИМЛИЛАР ПАНД ЕМАЙДИ

— Суҳбатимизни Меҳнат кодекси, жамоа шартномасининг меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Бу қонун меҳнат муносабатлари доирасини, унинг максимал ва минимал меъёрларини белгилайди. Меҳнат кодексида иш берувчи ва ходимнинг бурчлари ҳамда ҳуқуқлари аниқ ифодаланган. Жамоа шартномаси эса ходимларга қонунларда назарда тутилгандан юқорироқ имтиёзлар белгилайдиган меъёрий ҳужжатдир. Шунинг учун Меҳнат кодексида бир қанча масалалар ечими жамоа шартномаси орқали амалга оширилиши қайд этилган. Ҳозир вилоятдаги кўпгина корхоналарда жамоа шартномалари бўйича олиб борилаётган ишлар яхши йўлга қўйилган.

— Меҳнат муносабатларидаги қонун бузилишлар асосан нималарда кўринади ва бунинг сабаблари нимада?

— Юртимиздаги ишохотлар туфайли корхоналар раҳбарлари, иш берувчиларга иқтисодий фаолиятда катта эркинлик берилди. Лекин айрим раҳбарлар бундай ваколат чегараларидан чиқиб кетишмоқда. Бу меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам кўзга ташланиб қолади. Ҳолбуки, ҳар қандай фаолият қонун доирасида бўлиши, ўзгаларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши шарт. Юқорида айтилган ҳолатларнинг асосий сабаби иш берувчилар ва уларнинг вакиллари меҳнат қонунлари талабларини мукамал билмаслиги ва ўзларини корхонада мутлақ ваколатга эга деб

билишларидадир. Масалан, Меҳнат кодексида, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарориде ходим билан тузилдиган меҳнат шартномасининг шартлари, асосий тамойиллари, умуман, бу борадаги муносабатларнинг барча қирралари белгилаб берилган. Афсуски, айрим иш берувчилар меҳнат шартномасини тузишда, унга ўзгаришлар киритишда, ходимни бошқа ишга ўтказишда, меҳнат шартномасини бекор қилишда бу талабларни бажаришмайди. Бу эса уларнинг қонун ва меъёрий ҳужжатлардан, Низом ва йўриқномалардан хабарсизлигини кўрсатади. Энг кизиги, айрим иш берувчилар ўзлари имзолаган жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат шартномаси мазмуни билан таниш эмас. Бинобарин, ўз мажбуриятларини бажаришмайди.

— Иш берувчилар, қасаба уюшма етакчиларининг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий маданиятини ошириш учун вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши томонидан қандай тадбирлар қўлланапти?

— Масаланинг бутун моҳияти мана шу нуктада бирлашади. Ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш барча муаммолар ечимига йўл очади. Вазиirlар Маҳкамаси тасдиқлаган «Юридик хизматни яхшилаш тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ҳаракат дастури, меҳнат қашларнинг иқтисодий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида вилоятда қабул қилинган бош битим талабларига мувофиқ жойларда ўқувлар, семинарлар ўткази-

Салқам қирк йилдан буён фаолият кўрсатаётган оромгоҳда навбатдаги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик қизгин. Каттакўрғон туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли А. Мўминова номидаги болалар оромгоҳи ўтган йиллар мобайнида уч марта «Республикадаги энг яхши оромгоҳ» деб топилган. Эеро, бунга арзигулки асослар бор. Фақатгина ўтган йили амалга оширилган ва айни чоғда баҳарлабтган ишлар билан танишиш оромгоҳ ҳақида та-саввур пайдо қилишга имкон беради.

Оромгоҳ тасарруфида 14 гектар ер мавжуд бўлиб, унинг 6 гектари бинолар, ўйингоҳлар, хиёбон-даракторлардан иборат. Қолган 8 гектарлик ёрдамчи ҳўжалиқда ўтган йили 22,4 тонна бугдой, 10 тоннадан зиёд мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Яъни даромад 7 миллион сўмга яқин бўлди. Шу ҳисобдан тумандаги 122 нафар етим болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда оромгоҳ ходимларининг 53 нафар фарзандлари бепул дам олдирилди. Оромгоҳ ишчиларининг оқатланиш харажатлари ҳам шу ҳисобдан қопланади. Зарурат ту-



КИЧКИНТОЙЛАР КўНГЛИНИ ЧОҒ ЭТИБ

авиасозлик бўйича 12 нафари, ҳаво варраклари спорти бўйича 1 нафари, автокўпкўраш спорти бўйича 6, картинг спорти бўйича 2, автотехника спорти бўйича 12 нафари Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1998 йилда Марказда республика миқёсидаги авиамоделлаштириш, моторсозлаш тажриба-синаво майдончаси ташкил этилган. Мазкур майдонча Марказ педагог-мураббийлар уларнинг келажакда ажойиб иxtирочи қадрлар бўлиб етишиши учун изланувчанлик билан меҳнат қилишмоқда.

иждоқорлар, ишлаб чиқариш илгорлари билан урнатувлар, бадий кечалар мунтазам уюштирилади. «Эртақлар оламига саёҳат», «Биз — Алломи авлодлари», «Ўзбекистон Ватаним» — «Она тилим — муқаддас мулким», «Кичик қолдон» каби маданий-маърифий, мафкуравий, тарбиявий йўналишдаги тадбирлар, спорт беллашувлари шулар жумласидандир. Тадбирларда фаол иштирок этган ва гилиб бўлганларга эсдалик совғалар, мукофотлар топширилади. Оромгоҳда болаларнинг ҳар бир кунини завқли ўтиши учун бош етакчи Б. Қобилова, мусика раҳбари Ш. Насруллоев, спорт ўқувчиси К. Салимов, тўғрак раҳбарлари Р. Бобомуродов, Р. Жўраев, Н. Раҳматовларнинг хизмати катта.

Мақсуд режа асосида олиб борилаётган тайёргарлик навбатдаги мавсум ҳам кўнглидагидай ўтишидан далолат беради. Энг аввало, оромгоҳ бинолари тўлиқ таъмирланди. Янги жиҳозлар келтирилди. Туман ҳокимлиги ва тадбиркорлар ҳўмийлигида туман марказидан оромгоҳга қанча бўлган асфальт ётқизиляпти. Болаларнинг соғлом ва кўнгли чоғ бўлиши келажакда кўйилдиган тамаллардан биридир, десак муволафа бўлмас.

Т. АМИРОВ

Ҳўмийликнинг савоб-ажримлари унинг қўлаи ёхуд қиймати билан ўлчанмайди. Топилса, бир эгулки имконият, топилмаганда икки қалима илик сўз билан бир-биримизга хайру саховат кўрсата оласк, бунинг савобига не етсин!

Яқинда «Ҳўмийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Самарқанд тиббиёт олийгоҳида «Болаларнинг беғонаси бўлмайди» мавзусида хайрия акцияси ўтказилди. Диққатга сазовор томони шундаки, унда қарийб 2 мингга яқин талаба-ёшлар иштирок этишди.

ТАЛАБА ҚИЗЛАРИНИНГ ТАШАББУСИ

Хайрия акцияси сўнггида талабалар ўз қўллари ва меҳр қўри билан тайёрлаб, тикиб келган нафис қўриқлари билан уйинчоқларни тўхта этишди. Шу заил, талабаларнинг тўхта-лари дастлаб Самарқанддаги 10-сонли Меҳрибонлик уйи ва 42-сонли мақсуд мактаб-интернат тарбияланувчиларига ҳадя этилди. Кейин вакиллик аъзолари институтнинг 1-сонли клиникаси томон йўл олишди. Бу ерда даволанаётган болаларнинг ҳам қўша-қўша хушбичим йўнчоқлар топширилди.

Қўлларига кўйирчоқларни маҳкам ушлаб олишган дилбандларнинг қувончларини оддий сўз билан ифодалаш мумкин.

Эндиликда вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан бундай ташаббус маъқулла-ниб, бошқа олий ўқув юртлари талаба қизлари орасида ҳам оммалаштирилмоқда.

Бу эгулкини эшитган ҳар бир тадбиркор ва ишбилармон кам таъминланган, муҳтож оилалардан ўз ҳимматини аямаслиги тайин.

Ҳимматингизга балли, қалби саховатга тўла талаба қизлар!

Сухбатдош:
Р. МАХҚАМОВА,
«Ишонч» мухбири



ва илгор тажрибалар оммалаштирилди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги марказдаги мавжуд спорт-техника, бошланғич техника моделлаштириш, ишлаб чиқариш, техника, миллий-амалий хунармандчилик, услубий ахборот, оммавий-ташқилий ҳамда «Меҳрибонлик» бўлимларидаги тўғракларга қатнашади. Шунингдек, янги йўналишдаги ЭХМ операторлари, инглиз тили, экология, озиқ-овқат технологияси, қишлоқ ҳўжалиги технологияси, биотехника, «Соғлар театри» тўғраклар, «Еш тадбиркорлар» ва «Тафаккур» клублари фаолияти яхши йўлга қўйилган.

саволлари, ота-оналарнинг тақлифлари ва бошқалардан фойдаланган ҳолда болаларни ўзларига маъқул келган ҳисобланади. Бу ер мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг техник тўғрак раҳбарига, ташқилотчиларига, бошланғич синф ўқувчилари, кўни узайтирилган гуруҳлар тарбиячиларига услубий ёрдам бериб туради. Техник ижодиёт йўналишлари бўйича услубий таъсирномалар, тўғракларнинг муаллифлик дастурлари, турли тўпламлар, услубий хатлар яратилади

ИЖОДКОР БОЛАЛАР ҲЎЗУРИДА

келиб чиқиб, асосий тўғраклар сақлаб қолинган ҳолда икки йўналишдаги тўғракларни бирлаштирилади. Бунда йўналишларнинг умумийлиги ва ўхшашлиги каби илмий хусусиятлар ҳамда ўқувчи-ёшларнинг оддийликдан мураккабликка, кичик лаборатория амалиётдан кўндалитишга миқёсиздаги амалиётга ўтишдаги назарий, амалий кўникмаларини шакллантириш назарда тутилган.

Ушбу даргоҳдаги «Фаросат» эрта ривожлантириш маркази фаолияти ҳам диққатга сазовор. 5-6 ёшдаги болаларда мактаб кўникмаларини шакллантириш мақсадида иш олиб борадиган бу марказда айни пайтда иккита ўзбек ва битта рус гуруҳларида 50 нафардан зиёд болалар таълим олишмоқда. Улар алифбо, математикадаги кичик амалларни бажариш, расм, мусика, инглиз тили, нуқт ўстириш ва компьютер сабоқларини ўрганишмоқда. Болалар ҳафтада уч кун 8.30 дан 12.00 гача машғулотларда қатнашади. Дарсларни малакали психолог ва бошланғич синф ўқитувчилари олиб боришади.

— Ота-оналар фарзандлари мактаб ёшига етган сари, унинг мактабдан қийналмай, яхши ўзлаштириш ўқиши тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган бўлишади, — дейди ўқитувчи Назира Ашурова. — Болаларнинг ўзи ҳам ўқиш, ёзишга интилиб ота-оналарига кўп савол берадиган бўлиб қолишади. Тўғри, болалар боғчасига қатнайдиган ўғил-қизлар кўп нарсани у ерда ўрганишади. Лекин боғчага бормайдиган болалар эртага бирдан мактабга оstonасига кадам қўйганда янги муҳитга мослашишлари қийин кечади. «Фаросат» тўғрагимизда қатнашган болаларда эса бундай ҳолат бўлмайди, деб айта оламиз. Чунки ўзим 14-мактабда бошланғич синфларга сабоқ бериш билан бирга, 3 йилдан буён шу ерда болажонлар билан шуғулланиб, кейинчалик уларнинг мактабдаги ўқишлари билан танишиб шунга гувоҳ бўляяман. Машғулотларимизга қатнашган болалар бир йил давомида алифбонини даярли тўлиқ ўрганиб бўлишади. Энг муҳими, улар ўз фикрларини эркин баён қилиш, одоб-ахлоқ ва муомала маданиятини ўрганиб олишади.

— Зардулик тўғрагимизда қатнашган болаларда эса бундай ҳолат бўлмайди, деб айта оламиз. Чунки ўзим 14-мактабда бошланғич синфларга сабоқ бериш билан бирга, 3 йилдан буён шу ерда болажонлар билан шуғулланиб, кейинчалик уларнинг мактабдаги ўқишлари билан танишиб шунга гувоҳ бўляяман. Машғулотларимизга қатнашган болалар бир йил давомида алифбонини даярли тўлиқ ўрганиб бўлишади. Энг муҳими, улар ўз фикрларини эркин баён қилиш, одоб-ахлоқ ва муомала маданиятини ўрганиб олишади.

— Зардулик тўғрагимизда қатнашган болаларда эса бундай ҳолат бўлмайди, деб айта оламиз. Чунки ўзим 14-мактабда бошланғич синфларга сабоқ бериш билан бирга, 3 йилдан буён шу ерда болажонлар билан шуғулланиб, кейинчалик уларнинг мактабдаги ўқишлари билан танишиб шунга гувоҳ бўляяман. Машғулотларимизга қатнашган болалар бир йил давомида алифбонини даярли тўлиқ ўрганиб бўлишади. Энг муҳими, улар ўз фикрларини эркин баён қилиш, одоб-ахлоқ ва муомала маданиятини ўрганиб олишади.



қўйилган.

Шунингдек, бу ерда техник ижодиётга ҳаётини бағишлаган, фидойи инсонлар меҳнат қиладилар. Аҳамиятисиз, уларнинг аксарияти шу марказнинг собиқ тарбияланувчилари-дир. Моторсозлик тўғрагининг раҳбари В.Григорьев, ракетасозлик тўғрагининг раҳбари К.Қудратиллоев, авиамоделлаштириш тўғрагининг раҳбари Х.Исमतова каби мураббийлар ана шундай фидойи ходимлардир. Шундай инсонларнинг меҳнати туфайли марказ республика миқёсидаги тадбирларда вилоятимиз шарафини нуносиб ҳимоя қилиб келаяпти.

Х. ЖўРАЕВ,
Ф. ХАСАНОВ



миқёсида турли спартакиадалар, спорт беллашувлари уюштирилмоқда. Бу каби тадбирларда ҳар йили бир неча ўн минглаб кишилар қатнашади. Оммавий спорт тадбирлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларни бирлаштириши, руҳини тетиклаштириши билан ўзига хосдир.

Х. ТИЛЛАЕВ
Суратларда: самарқандлик спортчилар ҳаётидан лавҳалар.

СПОРТЧИЛАР ШУҲРАТИ

Вилоят қасаба уюшмалари бирлашмасининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 700 дан ортиқ киши спортнинг муай-тай, оғир атлетика, кураш, турон яққа кураши, самбо, футбол каби ўндан зиёд турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Спорт мактабларининг тарбияланувчилари орасида самбо бўйича жаҳон чемпионати совриндори, оғир атлетика бўйича Осиё чемпионлари, ўнга яқин Ўзбекистон чемпионлари бор. Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли спорт мактабларида шароит яхшилланиб бораёпти.

Бундан ташқари, қасаба уюшмаларининг ташаббуси билан олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида, туманлар ва вилоят



КУНЛАР ДЕБОЧАСИ

ситаларини сотиб олишди. Уларнинг галла ўрадиган қомбайни ҳам бор.

Дала ишларини йўлга қўйиб олган, Тожибой Мелиев уч йил аввал дашт худудидан яна 23 гектар ер олиб, фермер ҳўжалиги майдонларини кенгайтирди. Бундай тадбир фермернинг ўзи учунгина эмас, қишлоқ аҳлига ҳам фойдали бўлди. Негаки, эндиликда фермер ҳўжалигида Т. Мелиевнинг оила аъзоларидан ташқари яна 17 киши доимий меҳнат қилмоқда. Уларнинг даромади йил сайин ошиб бораёпти.

— Фермер ҳўжалигини ташқил этиб иш бошлаган, билим етарли эмаслиги сезилиб қолганини тан олшимиз керак. Шу туфайли фаолиятда жиддий муаммолар, бахсли ҳолатлар пайдо бўлди, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари. — Очиғи,

корларни ҳуқуқий ҳимоялаш, қишлоқда шахсий қорвани ривожлантириш, аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш тўғрисидаги Фармонларни одамлар мамнуният билан қутиб олишди.

Т. Мелиев қорвачиликни ҳам эътибордан қолдирмади. Ҳозир унинг бир неча қорамоли, қўй-қўзиси бор. Ҳўжалик аъзоларини ҳам шунга ундайди. Унинг тушунтириш услуби оддий: қорваси бор деҳқоннинг даласида беғона ўт бўлмайди. Чунки мол-ҳўлни озиқ-лантириш учун ўт доимий юлиб турилади, маҳаллий ўғит эса тупроқни бойтади.

Фермер қишлоқдаги ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳам баҳоли қудратли кўришапти. Яқин кунларда катта қуваатли артезиан қудуғи қаздириш ва сув таъминотини яхшилаш, қамчиқ қорхоналар очиб қамчиқлоқлари учун янги иш ўринлари бунёд этишни мўлжаллаб турибди. Яқин ният ва эгу амаллар қишини хамиша юксак доvonлар сари даъват этаверади.

Р. БОБОМУРОДОВ

Касаба уюшмалари ва спорт

Яқинда Ўзбекистон Ёқилги-энергетика комплекси, кимё санояти ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши савб-харакати билан «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясининг «Учкун» спорт-соғломлаштириш мажмуида теннис бўйича Республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

И.Рабабаум иккинчи, навойлик Н.Белякова учинчи ўринга сазовор бўлдilar. Турнирнинг энг қизгин баҳслари жуфтлик мусобақаларида бўлиб ўтди. Мухлислари ҳаяжонга солган шиддаткор ўйинлар куйидаги натижаларни аниқлаб берди:

Эркаклар жуфтликда: 1-ўрин — Улугбек Воисов ва Анвар Қодиров 2-ўрин — Бахтиёр Алиматов ва Александр Раҳмонов

ларга бой ўтди. 45 ёшгача бўлган эркаклар баҳсида хоразмлик Анвар Қодиров голиб бўлди. Иккинчи ўринга сурхондарёлик У.Хуррамов, учинчи ўринга қашқадарёлик Т.Чориев сазовор бўлдilar. Худди шу ёш тоифасида-

ТЕННИС

соғлом турмуш тарзи, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб этди

ги аёллар ўртасида Жиззах вилояти жамоаси вакили З.Турсуновага омад қилиб боқди. У жуда қиройли комбинациялар кўрсатиб шохсупадан жой олди. Наманганлик Алла Шупак шохсупаанинг иккинчи, Тошкент шаҳри жамоаси вакили эса учинчи поғонадан ўрин олдилар.

46 ёшдаги ва ундан юқори эркаклар ўртасидаги баҳсларда ҳам Хоразм вилояти вакили Улугбек Воисов пешқадам бўлди. Тошкент шаҳри вакили Бахтиёр Алиматов иккинчи, Тошкент вилояти жамоаси аъзоси учинчи ўринни эгаллади.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот котиби

3-ўрин — Шоди Намозов ва Тўлқин Чориев

Аёллар жуфтликда: 1-ўрин — Алла Шупак ва Н.Белякова 2-ўрин — Н.Абелямова ва З.Турсунова 3-ўрин — И.Рабабаум ва Н.Модина

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси голиб бўлиб, Марказий кенгаш кубогини қўлга киритди. Наманган вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот котиби

Очили. «Пахтакор»нинг галабаларига ўрганиб қолдик. Гўё бу тўрида ҳеч қанақа муаммо бўлиши мумкин эмасдек. Дарҳақиқат, турнир жадвалига кўз ташлаган киши бир жамоанинг бошқалардан яққол устунлигини кўради. Ун икки ўйиннинг ўн биттасида галаба, фақат бир учрашувда дуранг қайд этилган.

Лекин, бу алдамчи тасаввур. Вазият биз ўйлаганчалик эмас. Хар ҳолда Валерий Непомнящий қўллаётган ўйин услуби чемпионат карвонбошисининг буй баравар афзаллигини шубҳа остига қўймоқда. «Шўртан» билан «Пахтакор» стадионидаги беллашуви бир эсланг. Лоақал куни кечаги ўйини кўз олдингизга келтиринг. Пешқадам билан аудсайдер ўртасидаги учрашувнинг бор-йўғи бир тўп фарқ билан яқун топшини яна қандай изоҳлаш мумкин?

Гап йўқ, биз «Хоразм» учун хурсандмиз. Футболчилар гарчанд бутун учрашув давомида ҳимоя тактикасини қўллашга мажбур бўлган эсаларда, ёмон таассурот қолдирмадилар. Ҳатто, айтиш мумкинки, пича дадил

бўлди?

Бу мавзуга тез-тез мурожаат қилаётганимиз сабабини зукко ўқувчиларимиз, албатта, пайкаган бўлсалар керак. Нима бўлганда ҳам «Пахтакор» мамлакат термасининг базавий жамоаси ҳисобланади. Томчида.

Мамлакат чемпиолати

қанд-Д — 1:0, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 0:1, «Андижон» — «Бухоро» — 1:1, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:0, «Насаф» — «Қизилқум» — 1:0,

«Локомотив» — «Навбахор» — 2:1.

Энди бир ҳисоблаб кўринг: бор-йўғи 14 та гол. Хар ўйинга ўртача иккитаданга ҳам тўғри келмайди. Ё ҳужумчиларимиз бу турда дам олишдимикан? Балки ҳимоя чизиқларида туб ўзгаришлар юз бергандир? Футболда униси ҳам, буниси ҳам керак. Мўҳими, бундан ўйин савияси тушмаса бўлгани.

М.ИБРОҲИМОВ

НАВБАТДАГИ УЧ ОЧКО

кўнгилдаги ғуборни тарқатолмади

бўлганларида ҳисоб бошқача кўриниш хосил қилиши ҳам ҳеч гап эмасди. Уйнаса бўларкан-ку! Демак, жамоа келажигига умид қилса бўлади.

Аммо, афсуски, «Пахтакор»нинг кейинги пайларда намўйиш этаётган ўйинидан кўнгил тўлаётди. Бунни чамаси футболчиларнинг ўзлари ҳам хис қилишмоқда. «Хоразм» билан кечган учрашувда улар бежизга асабийлашмаган кўринади. Кетма-кет олинган «сарик карточка»лар ҳам бунни тасдиқлаётгандек.

Ун иккинчи тур яна шуниси билан эътиборга молики, бирорта йирик ҳисоб қайд этилмади. Ушбу тур дарвозаларга энг кам тўп киритилган тур сифатида ҳам ёдда қолади, шекилли. «Трактор» — «Металлург» — 1:1, «Шўртан» — «Нефтичи» — 1:2, «Тўпаланг» — «Самар-

Table with 16 rows and 6 columns: Турнир жадвали, Ҳ, Ю, Д, М, Т-Н, О. Rows include teams like Пахтакор, Насаф, Машъал, Нефтичи, Бухоро, Андижон, Трактор, Тўпаланг, Локомотив, Металлург, Қизилқум, Шўртан, Самарқанд-Д, Сўғдиёна, Хоразм.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ ҲИМОЯДА

Мехнатқашлар саломатлиги мустаҳкамланган жойда иш унуми юқори бўлади. «Ўзбекистон темир йуллари» Давлат акциядорлик компанияси Марказий поликлиникасида соҳа ходимлари саломатлигига эътибор борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Шифо масканида физиотерапия, гинекология, терапия, хирургия, неврология, кўз касалликлари,



рентгенология, стоматология, пластик жаррохлик бўлимлари ва 3 та лаборатория беморларга хизмат кўрсатмоқда. Уларда 500 нафарга яқин малакали шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишмоқда. Барчаси ўз касбига меҳр кўйган, кишилар со-

ғлиги учун жон куйдирувчи фидойи инсонлардир. Шифо топиш умидида келганлар дардига маълум бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида беморга аниқ ташхис қўйилиб, самарали даволаш усуллари қўлланилади. Аиниқса, тиббиётчиларнинг ширинсўзлиги ва хушмуомалалигидан кўпчилик мамнун.

Бундан ташқари, профилактика бўлимида ходимларнинг касалликка чалинмаслиги учун барча тадбирлар қўлланилмоқда. Жумладан, хар бир йўналиш бўйича поездлар жўнашдан олдин ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шунингдек, ишловчиларни йилда бир марта хар томонлама шифокор назоратидан ўтказиш таъминланапти.

Т.ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири, И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Тадбир

«Китоб — билим манбаи», «Илм — ақл зийёси», «Бешикдан қабргача илм изла». Бундай мақоллар бежизга айтилмаган. Ёшликда олинган илм — тошга ўйиб ёзилган ҳикмат, дейилишида алоҳида маъно бор. Ёш авлодни маънан барқарор, отуқ шахс бўлиб улғайишида маънавият ва маърифат бўстони кутубхоналарнинг ўрни бекиёс.

ИЛМ МАСКАНИ

Шундай масканлардан бири пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат болалар кутубхонасидир. Зиё маскани илмий услубий марказ ҳисобланиб, асосан ёш китобхонларга хизмат қилади.

Кутубхонамизда болалар учун 230 мингдан ортиқ ўқув адабиётлари мавжуд, — дейди маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Д.Абдухайриқонова. — Шунингдек, бу ерда интернет тизимига уланган компьютер клуби ҳамда Республика прокуратураси билан ҳамкорликда «Ёшлар ва ҳуқуқ» клублари фаолият кўрсатмоқда. Болаларни кутубхонага жалб қилиш мақсадида «XXI аср болалари ва китобхонлиқ» давра сўҳбати, «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови, «Энг гўзал чаман», «Мустақиллик даври китоблари» кўргазмаси каби қўллаб тадбирлар ўтказилди. Бу борада «Оқибат», «Мустақиллик» маҳаллалари яқиндан ёрдам бераётганидан хурсандмиз.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб кутубхонада «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзусида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Фаол китобхонлар ҳамда Мирзо Улугбек туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тақлиф қилиниб, улар учун байрам дастурхони ёзилди. Ушбу тадбир ҳомийлари номидан «Қизил ярим ой» жамияти темир йўл кенгаши раиси Р.Рустамбекова болаларга самимий тилакларини изхор этди. Тадбирга «Ҳаёт» театри ҳамда эстрада юлдузларининг чиқишлари ўзгача завқ бағишлади. Тадбир сўнггида болажонларга китоб ва эсдалик совғалари улашилди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки кўмитасининг Самарқанд вилояти худудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жум кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларида марказий маклериат орқали 2006 йил 7 июндан қуйидаги давлат объектлари қўйилишини маълум қиламиз. 1. Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида жойлашган, «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибидagi «Нуробод нефт базаси» унитар корхонасига қарашли «14-сон мой алмаштириш пункти» Бошланғич баҳоси — 1700,0 миң сўм. 2. Самарқанд вилояти, Нарпай туманида жойлашган, «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибидagi «Нуробод нефт базаси» унитар корхонасига қарашли «Мирбозор» мой алмаштириш пункти». Бошланғич баҳоси — 2500,0 миң сўм. Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг. Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизга бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/4 массиви, Махаммад Уразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси, Телефонлар: 399 84 48, 399 80 31. Факс: 399 80 26 www.rkmb.uz

Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 399 80 31, 399 84 48. Факс: 399 80 26.

Қулатув кенгаши

«Ишонч» фох этади

Деновлик Абдураҳул Жаҳонов олти йилдан буйин пудрат бошлиғи сифатида фаолият кўрсатиб келарди. У ишлаётган хўжалик шароит тақозосига қўра тугатилиб, фермерлик жамоалари тузилиши маълум бўлган, А.Жаҳонов ҳам шу йўлдан боришни орзу қилди. Аслида Абдураҳул бунга арзирди. Чунки у бир неча йилдан бери мазкур ширкатда меҳнат қилаётган ва режаларни мунтазам бажарётган эди.

хўжаликлари 1-9 лойиҳасига талабгор сифатида қатнашган А. Жаҳонов умумий 77 балл тўллаб, танлов голиби бўлди.

Аммо у чўчварани хом сананган эди. Талабгорлар орасида бу муваффақият сири билан

СОХТА ДИПЛОМ ПАНДА БЕРДИ

Тендер шартларида кўра, талабгор техникасини кўрсатиши керак. А.Жаҳонов комиссияга «МТЗ-80Х» русумли трактори борлиги ҳақидаги ҳужжатни тақдим этди. Демак, бу жиҳатдан ҳам кўнгилини тўқ қилса бўлади. Хуллас, ҳамма иш силлиқина кўчаётган эди. Лекин А.Жаҳонов қовун тушириб қўйди. Тендер комиссиясининг бир шартини унга толдирди. Яъни, фермерликка талабгор қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлса, янада кўпроқ имтиёз берилишини эшитди-ю, ҳаловати бузилди. Шу боис, қаерки диплом топсам

экан, деб хўп бosh қотирди. Уйлай-уйлай чорасини ҳам топди. «Пул бўлса, чангалда шўрва» деганларидек, Шўрчи уй-жой коммунал қасб-хўнар коллежи директорининг ўринбосари Холтурра Қаландаров билан гапни бир жойга қўйди ва сохта дипломни олиб, комиссияга тақдим этди. Пировазиде, Бобур номли ширкат хўжалиги негизда ташкил этилаётган фермер

астойдил қизикувчилар ҳам топилди. Натижанда сохта диплом шарманда қилди. Жиноят ишлари бўйича Денов тумани суди А. Жаҳоновни Жиноят Қодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топиб, жазо қўллади.

Фахриддин ХУШНАЗАРОВ, Денов тумани прокурорининг ўринбосари

Қурилиш ва қурилиш ашёлари санояти ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ва унинг худудий Вакилликлари маҳкаманинг бош мутахассиси Л.И.Литвиновага қизин АНАСТАСИЯнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан қўчуқ ҳамдардик билдиради

Ishonch MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Бизга кўнгирак қилинг: Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади. Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134